



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 27 декабрь, шанба • №103 (11.594) • Эркин нархда сотилади

Олий Мажлисда

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ НАЗОРАТДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси М.Сафаева бошқарди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунининг Тошкент вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

Корхона, муассаса ва ташкилотларда ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишга, соғлиқни ҳимоялашга, касб касалликларининг олдини олишга қаратилган мазкур Қонуннинг бажарилиши юзасидан Тошкент вилоятида муайян ишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди. Жумладан, қонун асосида нуқулай меҳнат шaroитларида ишлайдиган ходимларга қўшимча таътил бериш учун 2002 йил давомида саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш корхоналарида 3489778,1 минг сўм ҳамда сут маҳсулотлари бериш учун 1648784,4 минг сўм маблағ сарфланган.

Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимларни ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитишни ташкил этиш ва билимларни синаш тўғрисида»ги намунавий низом» асосида олиб боришмоқда.

Шу йилнинг 11 ойи давомида вилоятдаги 394 корхона ва ташкилотларда текшириш ўтказилиб, меҳнат муҳофазаси ва шaroитлари бўйича йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан 393 та ёзма кўрсатма берилди. Хавфсизлик техникаси талабларига жавоб бермайдиган ва ходимлар соғлиғига таҳдид солаётган 11 та дастгоҳ ва 1 та устахонанинг иши вақтинча тўхтатилди. Шу давр мобайнида 132 та мансабдор шахсларга 1908,5 минг сўм жарима солинди.

Шу билан бирга, муҳокама чоғида айрим корхоналарда меҳнат муҳофазасига оид қоида ва меъёрлар талабларининг бузилаётганлиги, ходимлар учун меъёрий меҳнат шaroитлари яратилмаётганлиги айтилди. Бунинг натижасида иш вақтида 31 та бахтсиз ҳодиса юз берган.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ишларининг сифатсизлиги, ходимлар махсус кийимлар ва ҳимоя воситалари билан таъминланмаганлиги ниҳоятда ачинарли ҳолат деб баҳоланди. Айрим корхоналарда кузги ва қишки мавсум бўйича етарли тайёргарлик ишлари кўрилмаганлиги ҳам мутасадди раҳбарларда ташвиш уйғотиши лозимлиги таъкидланди.

Чунончи, Ангрен шаҳридаги «Қурилишмонтаж» масъулияти чекланган жамияти, Бўстонлиқ туманидаги «Оқтош» хусусий корхонаси ва «Конмит» қўшма корхонаси, Оҳангарон шифер заводи, Чиноздаги «Автойўлдиндустрия» корхонаси, пахта тозалаш заводи, Янгийўлдаги «Биокимё» заводи ва ёғ-мой комбинатида шу каби камчилик ва нуқсонлар юз берганлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда меҳнат муҳофазаси қонунчилиги бузилаётган жойларда камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан ҳокимлик ва тегишли вазирлик ҳамда идораларга зарур чоралар кўриш юклатилган қўмита қарори қабул қилинди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

ХАЙРЛИ ДЕБОЧА

Вилоятимизда «Меҳр ва мурувват йили»ни муносиб кутиб олиш мақсадида хайрли тадбирлар бошлаб юборилди.

Шаҳар ва туманларимизда шу мақсадда кўплаб тадбирлар ўтказилаяпти. Корхона ва ташкилотлар бир қанча муассасаларга ҳомийлик қила бошладилар. Хусусан, Ўзбекистон темир йўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бу борадаги ишни Тошкент туманидаги 7-ўрта мактабга ҳамда мактаб атрофида истиқомат қилувчи кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 443 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва 20 минг сўмдан моддий ёрдам тарқатишдан бошлади.

Хуршида МЎМИНОВА.



Ташаббус, изланиш, самара

ЭРКИН МЕҲНАТ НЕЪМАТЛАРИ

Киши яхши ният билан нимагаки қўл урса, аввало, ўзи, оиласи, фарзандлари учун барпо этади. Ҳар қимки ҳалол меҳнати билан ўз ҳаётини яхшилаб, орзу-ҳавасини рўёбга чиқариб яшайпти — хонадонни тўқис, қўни-қўшни ҳуррам, ма-

ҳалла-кўй баҳамжиҳат ва обод, юртда тўқинчилик ва фаровонлик. Қибрай тўмани марказидаги маҳобатли Мустақиллик майдонида туриб, юкоридаги фикрлар ҳаёлимдан ўтди.

(Давоми 3-бетда).

Вилоят ҳокимлигида

ҲАР БИРИ ЭЪТИБОРДА БЎЛСИН

Ёшлар келажагимиз. Шундай экан, уларни тарбиялаш, баркамол инсон қилиб вояга етказиш зиммामизда турган энг катта ва масъулиятли вазифадир. Бошқача қилиб айтганда, ён-атрофимиздаги, маҳалламиздаги биронта ҳам ўсмир ва қизларни эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида бу сўзлар бот-бот тилга олинди.

Комиссия йиғилишида вилоятда вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқла-

рини рўёбга чиқариш кафолатлари ҳамда ўрта-махсус таълим тизимида қонунларнинг ижро этилиши аҳолининг натижалари кўриб чиқилди. Бу ҳақда республика Бош прокуратураси бўлимининг катта прокурори Т. Умаров ахборот берди.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИК ЛОЙИҲАСИ

Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил бошида Испанияга давлат ташири чоғида эришилган аҳдлашувларни амалга ошириш мақсадида "Испания Қироллиги билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилган эди.

Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази мазкур қарор асосида "Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлашда касб-хунар таълимини ривожлантириш" лойиҳасини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тиббиёт коллежларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш белгиланган. Лойиҳада педагог кадрлар малакасини ошириш, ўқув услубий қўлланмалар яратиш ҳамда мультимедиа дастурлари ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

Йигирма беш миллион евро миқдоридagi Испания имтиёзли кредити асосида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа икки йилга мўлжалланган.

Хулкар СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ
ГАЗЕТАНГИЗ!
Обуна бўлдингизми?

Эслатиб ўтамыз:
бизнинг индекс —
205.

Янги китоб

МЕЪЁРИЙ
ХУЖЖАТЛАР
ТЎПЛАМИ

2004 йил Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлик, Бўка, Куйичирчиқ, Пскент, Ўртачирчиқ ва Янгийўл туманларидан жами 21 та кишлоқ хўжалик корхоналари фермер хўжаликларига айлантирилади.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори 4-илоvasида қайд этилган.

Бу ва мамлакатимиз кишлоқ хўжалигига оид бошқа қатор маълумотлар яқинда босмадан чиққан «Кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари» деб номланган рисолада келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва тегишли меъёрий ҳужжатлар китоб мундарижасини ташкил этган.

Дарҳақиқат, бугун кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш замон талаби. Юртбошимизнинг 2003 йил 24 мартдаги «Кишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз аграр соҳасини иқтисодий, ташкилий ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берган тарихий ҳужжат ҳисобланади.

«Кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари» рисоласи «Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги» журнали таҳририятида тайёрланди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Фармон ва ижро

Вилоят ички ишлар бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Амнистия тўғрисидаги Президент фармонининг ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда вилоят ички ишлар бошқармаси, прокуратура ходимлари, шаҳар ва туманлар ички ишлар бўлимлари бошлиқларининг ўринбосарлари, вилоят ижтимоий-маслаҳат маркази ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда фармоннинг ҳар бир банди чуқур таҳлил қилиниб,

БАҒРИКЕНГЛИК

аниқ вазибалар белгиланди. Шунингдек, қамок жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан фармон талабларини тўғри қўллаш юзасидан фойдали тушунтиришлар берилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига амнистия бўйича озод этилганларни қисқа муддат ичида тиббий кўрикдан ўтказиб, касаллик аломатлари аниқланган шахсларни даволаш муассасаларига жойлаштириш вазибалари юкланди. Давлат томонидан аж-

ратилган маблағни жазодан озод қилинган шахсларнинг шароитидан келиб чиққан ҳолда бериш, меҳнат биржалари билан ҳамкорликда уларни иш билан таъминлаш чораларини кўришга йиғилишда катта эътибор қаратилди. Бу ишларда ички ишлар бўлимлари, ижтимоий-маслаҳат марказлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва маҳалла фаоллари биргаликда иш олиб бориши лозимлиги ўқдирилди.

— Жазо муассасаларидан қайт-

ган шахсларда «Мен қамалиб чиқдим, энди жамиятга керагим бўлмайди» деган фикр мавжуд бўлади, — деди ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдуқодир Раҳимжонов. — Биз давлатимиз уларга кўрсатаётган эътиборни тўғри тушунтирган ҳолда уларни шу фикрлардан халос этишимиз керак. Бунинг учун озод қилинган шахслар жамиятда ўз ўринларини топиб, қад ростлаб олишлари учун уларни маблағ билан таъминлаб, ишга жойлаштириш лозим.

Йиғилишда фармонни амалга ошириш юзасидан берилган турли саволларга мутахассислар томонидан керакли жавоблар берилди.

Қамолддин АСҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Мардлар кўриқлайди, Ватанни!

Она-Ватан, она-Замин — бу тушунчалар онг шувурида нақадар улур бир маъно-моҳиятга эга эканлигини чуқур ҳис этамиз. Ёшларни юртга садоқат, меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама етук ва ватанпарвар инсон сифатида қамол топтириш юртимизда ўтаётган «Оммавий ватанпарварлик ойлиги» доирасидаги асосий вазибалар. Шу муносабат билан мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент вилояти кенгаши режа асосида қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

ЖАНГОВАР
ХИЗМАТ БИЛАН
ТАНИШУВ

Жумладан, Тошкент ҳарбий округи Сержантлар тайёрлаш мактабида суҳбат-учрашув ўтказилди. Бундан кўзланган асосий мақсад Чирчиқ автомобил мактаби курсантларини ҳамда 8-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчи-ёшларини ҳарбий билим юрти курсантлари ва офицерлари иштирокида ўзаро дўстлик, биродарлик, ҳамжихатлик туйғуларини асосида тарбиялашдан иборат.

— Ҳарбий билим юртимизда, — дейди майор Равшанбек Жўраев, — азиз Ватаннинг олдидаги ўз йигитлик бурчини ўтаб келган йигитлардан Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ҳарбий қисмларига малакали сержантлар тайёрланади.

— Ватан ҳимояси деганда, аввало, туғилиб ўсган мана шу юрт, она-замин кўз олдимизга келади, — дейди Сержантлар мактабининг курсан-

ти Икром Нортоев. — Аслида ёшлигимдан ҳарбий бўламан, юрт-эл ҳимоячиси бўлиб етишаман, деб аҳд қилгандим. Миллий армиямизни янада такомиллаштириш, уни профессионал даражага кўтариш фикри мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий ислохотлар иштирокчиси бўлишга ўзимни тайёрламоқдаман. Режаларим, мақсадларим азиз диёримизнинг тинчлик-осойишталиги йўлида хизмат қилишдан иборат.

— Бу билим юрти ҳақида эшитиб юрардим, — дейди 8-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчиси Слава Ли. — Минг бора эшитгандан, бир маротаба кўрган афзал, дейишади. Бугун мактабимиз бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчиси майор Эркин Кабиров бизни бу даргоҳ билан таништиргани олиб келдилар. Курсантлар ҳаёти,



ҳарбий машғулотлар билан бирга қудратли жанговар қуроляроғлару машиналар ҳайратимизни оширди.

Ҳа, ўқувчилар ҳарбий жараён билан танишишар экан, кўзларида ўзгача бир ифтихор, гурур яққол сезилиб турарди.

Тадбирда Мудофаа ишларининг вилоят ҳамда Чирчиқ шаҳар бошқармалари, «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши, «Нуроний» жамғармаси Чирчиқ шаҳар бўлими вакиллари иштирок этишди.

Шу кун оммавий ватанпарварлик ойлиги доирасида Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам мароқли учрашув бўлиб ўтди. «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси хонандалари, таниқли ёзувчи ва шоирлар билим юрти курсантларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун чин дилдан хизмат қилишди. Айниқса, қизиқчи Санжарбек Шодиевнинг ичак узди хангомалари барчага завқу шавқ бағишлади.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

АЁЛ — ҲАЁТ
ГУЛТОҶИ

Оҳангарон туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси туман ҳокимлиги. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши билан ҳамкорликда «Аёл — ҳаёт гултожи» деб номланган шоу-такдимот маросимини ўтказди.

Унда қатнашган Бувиойша Алматова (хунарманд), Зарифа Эралиева (ижодкор), Фарида Абдукаримова (маиший хизмат), Роила Абзалова («Лайло» фирмаси), Зебо Турматова (кулоччилик) йилнинг энг яхши тадбиркор аёллари деб эътироф этилдилар.

«Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Гулчеҳра Пўлатованинг айтишича, бундан мақсад соғлом фикрли, фидойи кишилар сафини кенгайтиришдир.

Шоу-тадбирда қатнашган таниқли ижодкор Барот Исроил ва Тошпўлат Маткаримовларнинг ташрифи йиғилганларга манзур бўлди.

Ўткир ҚУВОНДИҚОВ.

Мулоқот

ОИЛАДА
ТИББИЙ
МАДАНИЯТ

Янгийўл шаҳри маҳаллаларида ўсмир-ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини тарғиб қилиш, ҳамда оила қуришга тайёрлаш мақсадларида бағишланган суҳбат-учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Унинг ташкилотчилари шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, шаҳар марказий шифохонаси мутахассис вакиллари ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ўсмир йигит-қизларни қизиқтирган барча саволларга мукамал жавоб беришмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ҲАР БИРИ ЭЪТИБОРДА БЎЛСИН

Шуни таъкидлаш керакки, ўтган даврда вилоят ҳокимлиги, ҳукуқ-тартибот идоралари томонидан вояга етмаганлар ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, бу борада қонунчиликни мустаҳкамлаш бўйича муайян ижобий натижаларга эришилди. Вилоятда бу тадбирлар болалар спортини ривожлантириш, ўрта-маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси тизимидаги ўқув юртларида тарбиявий ишларни кучайтириш, уларни янги турдаги дарсликлар ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, янги педагогик технологияларни татбиқ этиш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш орқали амалга оширилмоқда. Хусусан, 2003 йилнинг ўзида вилоятда болалар спортини ривожлантириш учун 1,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди, ўқув юртлари 2,5 миллиард сўмлик дарслик ва жиҳозлар билан таъминланди. Жойларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш,

(Давоми. Боши 1-бетда).

улар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича ўтказилаётган учрашувлар ва давра суҳбатлари ҳам ижобий натижалар бермоқда. 2003 йилда вояга етмаганлар орасида жиноятчилик 4 фоизга камайди.

Лекин йиғилишда асосий эътибор вояга етмаганлар билан ишлашдаги йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларга қаратилди. Ҳақиқатан ҳам айрим шаҳар ва

туманларда мавжуд комиссиялар фаол ишламаяпти. Олмалиқ шаҳри, Юқоричирчиқ, Бўка, Чиноз, Паркент, Пскент туманларида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг ошиб кетишига йўл қўйилди. Вилоятдаги коллежлар ва ўрта-маҳсус ўқув юртларида ўқув жараёнларини ташкил этиш, ёшларни меҳнатга жалб этиш, иш билан таъминлаш масалалари талабга жавоб бер-



Сафарим давомида Қибрай қишлоқларини айланиб чикдим, вилоятда энг обод туманлардан бири деб топилган бу манзилдан олган таассуротларим бир жаҳон. Мана шу Мустақиллик майдонидан тўрт тарафга шоҳобчалаган йўлнинг қайси томонига юрманг, кўнглингизнинг туб-тубидан ички бир қониқиш, фахр-ифтихор туясиз. Чунки, бора-бор гунча қиш кунлари бўлишига қарамай, ҳозиргина қиз-келиндар супуриб-сидириб қўйишгандек файзли йўл-йўлкалардан ўтасиз. Мана шунинг ўзиёқ қандайдир тетиклик, ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Йўлларнинг ҳар бири ҳам ўзгача дид билан орасталangan. Қишлоқларнинг марказлари, гузарларини қўйверасиз — ҳар бири ўзга чиройда, бетакрор қиёфада намоён бўлади. Кичик-кичик тикувчилик, хизмат кўрсатиш корхоналари, замонавий дўконларда, маданият уйлари ва клубларда эрта-кеч ҳаёт қайнайд.

Маълумотномадан: Қибрай тумани 1934 йили ташкил этилган. Майдони — 55,5 квадрат километр. 160 мингга яқин аҳоли яшайди. 37 мингдан ортиқ хонадонда 42 мингдан зиёд оила истиқомат қилади. Шаҳарча ва қишлоқлар кўпмиллатли. Йилига ўртача 2700 га яқин гўдак дунёга келади.

Ҳақиқатан ҳам мустақиллик йилларида туман шаҳарчалари ва қишлоқларининг қиёфаси таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди. Бунинг асосий омили — меҳнат. Айниқса, сўнгги йиллардаги иқтисодий эркинлаштириш, кичик, ўрта ва хусусий бизнесни ривожлантириш, фермер хўжаликлари рағнақиға кенг йўл очиб сийёсати аҳоли барча қатламларини ҳаракатга келтириб қўйди. Буюк Ипак йўли бўйларидаги хизмат кўрсатиш-сервис шоҳобчаларидами, «Медиз» ёки бошқа йирик қўшма корхоналар, ширкат ёки фермер хўжаликларида бўлиб, одамлар — тижоратчилар, тадбиркорлар, фермерлар, сабзавотчи ёки резаворчи деҳқонлар билан суҳбатлашсангиз, меҳнат билан яратилаётган неъмат хонадонларга файзу барака киритаётганлиги ҳақида дил сўзлари эшитасиз.

— Хусусан, қишлоқ хўжалигидаги эркинлаштириш деҳқон учун катта имкониятлар очиб берди, — дейди Туроб Нормухамедов номли ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Обидхўжа Султонов. — Деҳқонга нима керак? Унга ер, сув беру эркин қўй. Далалардаги суҳбат чоғида, йиғилишларда, менинг уларга айтадиган гапим битта: «Меҳнатинг ўзинг учун. Ойлик, маош шунчаки яшаш учун

(Давоми. Боши 1-бетда).

мўлжалланган. Яхшироқ яшайман десанг, яхшироқ ишла. Ҳеч ким тепангга қоровул турмоқчи эмас».

Қибрай сабзавоткорлари, картошакорларининг шу кунлардаги саъй-ҳаракатлари билан танишиб юриб, бир нарсаси икром бўлди: деҳқон меҳнатини билиб-билиб қилаяпти. Ўша Туроб Нормухамедов номли хўжаликни олайлик. Олди майдонларда кўзги картошакдан 40 тоннага етказиб ҳосил олинди. Сабзи ҳам тоза бўлиб берди.

Ишларининг боришини кузатиб юриб, раис кўнглининг туб-тубидан чуқур бир қониқиш ҳосил қилади. Мана йигирма йилдан ошдики, қишлоқда раҳбарлик юмушида. Асло ёдидан кўтарилмайдиган воқеаю синоатлар ҳам оз эмас. Ҳосил супуриб-сидириб даладан тўғри давлат омборига олиб бориб тўки-

гайриоддий бир қарор қабул қилишибди. Унга кўра, қишлоқ мактабларию шифохоналарида кўнимли ишлаган зиёлилар учун жами пайнинг 10 фоизи ажратилибди. Демак, ўқитувчилару шифокорлар ҳам ҳар йилги жами дивиденднинг 10 фоизини олишяпти.

— Эндиликда бошқа ширкат хўжаликлари ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватламоқда, — деди ҳоким. — Демак, дивиденд маблағларидан зиёлиларимиз ҳам хўжалик аъзолари қатори баҳраманд бўлишяпти.

Маълумотномадан: 2001-2003 йилларда туманда 7 та янги мактаб қурилди. 110 ўринли «Она ва бола» туғруқ мажмуаси битказилди. Бугун 13 минг аҳолига хизмат кўрсатаётган қишлоқ врачлик амбулаторияси ишга туширилди. Тўртта маҳаллада гузар барпо этилди.

ЭРКИН МЕҲНАТ НЕЪМАТЛАРИ

ладиган пайтлар ҳам ўтди. Ўзгармас нарх белгилаб қўйиларди. Деҳқон ўзи етиштирган картошкани топшириб юбориб, бозорга тушарди қишлигини ғамлагани. Ҳозирги эркинлик шунчаликки, сотганинча сот деяпти. Нархи — бозор. Шундай эркинлик пайтида хўжалик зиён билан чиқиши мумкинми?

Ўтган йилни хўжалик 68 фоиз рентабеллик билан якунлади. Бу йил қишлоқ хўжалигига сарфланган ҳар бир сўм 80-90 ти-йиндан соф даромад келтириши кутилмоқда. Бир йилда соф фойда 30 миллион сўмга кўпайиб, юз миллиондан ортиб бораяпти.

«Маданият» ширкат хўжалигида ҳам шу манзара. Ширкатчилар тўққиз ойда ялпи даромадни 129 миллион сўмга етказишди. Шунинг 49 миллиони соф фойда.

— Ўтган йил якунлари бўйича 8 миллион сўм дивиденд тарқатдик, — дейди бош ҳисобчи Махфуза Қосимова. — Иш ҳақини ойма-ой тўлаб келмоқдамиз.

Эрта тонгдаги суҳбат чоғида туман ҳокими Саидхўжа Тошхўжаев ибратомуз бир гапни айтиб қолди. Маълум бўлишича, мулк нархланиб, хўжалик аъзоларига пай тақсимланаётган кези нормухамедовликлар

Бугун туман шаҳарча ва қишлоқларида кўзингиз бот-бот қурилиш ҳавозаларига тушади. Уч йил олдин «Бурота», «Маданият» ёки Туроб Нормухамедов номли ширкат хўжаликларининг раислари билан суҳбатлашганимда, уларнинг режалари фикр-мулоҳазаларини тинглаб, очиғи, бу ишларнинг амалга ошишига ишонқирамаган эдим. Чунки, ўша суҳбатлар чоғи бири — маданият уйи қураман, иккинчиси — «мактаб, стадион учун лойиҳа ишлатмоқчиман», учинчиси — «орзуим — болаларимиз учун сув спорти ҳавзаси барпо этиб бериш» деганди.



ҳада гузар қурдик...

Туроб Нормухамедов номли ширкат хўжалигининг раиси Обидхўжа Султонов:

— Олдинги йили сентябрга янги бир мактабни қуриб битказгандик. Унга 300 миллион сўм сарфладик. Бу йил ўқиш бўланишига спорт залини ишга тушириб бердик. Шу кунларда ёпиқ сузиш ҳавзаси қуришни бошлаганимиз...

Булар шунчаки рапортнамо гаплар эмас. Бу маълумотлар замирида бир олам маъно бор. Ўша суҳбатлар чоғида уни расислар шундай таърифлашди: «Ўқувчи ким? Улар ўз фарзандларимиз. Эртага ўрнимизга келишади. Шулар соғлом, билимдон, ахлоқ-одобли бўлиб ўсишса, кўнглимиз хотиржам бўлади, бошлаган ишларимиз яна ҳам ривож топишига ишончимиз ортади».

Маълумотномадан: тумандаги 6 та коллеж, битта академик лицей, 2 та махсус гимназия ва мактаб-интернат, 50 та мактабда 29 мингга яқин ўғил-қиз билим олмоқда. 50 та боғчада эса 5 мингга яқин кичкинтой тарбияланаётди. 42 кутубхонада 360 минг нусхадан ортиқ китоб жамланган.

Қайси қишлоққа борманг, мўъжаз бир шаҳар-

чага кириб қолгандек сезасиз ўзингизни. Адл ва равон йўллар, евроусулда оро берилган бинолар... Бу ободончилик одамларнинг қадоқ қўллари, дилгир ақлу заковатлари натижаси.

Ана шундай қишлоқларнинг бири Ёнариқ, айтиш мумкинки, бугун деярли барча коммуникацияларга эга бўлган шаҳарча. Унинг аҳолиси 12 минг кишига етиб бормоқда.

Гап орасида — «Маданият» маҳалласида аёллар сартарошхонаси очилганини айтиб қолишди.

— Мижозлар...

— Нимасини айтасиз, улардан камчилик йўқ, — дейишди кулимсираб.

Маҳалла гузари яқинда барпо этилди. Озиқ-овқат, қурилиш ашёлари ва бошқа дўконлар. Маиший хизмат мажмуасида 23 киши ишга қабул қилинди. «Мафтуна» кичик тикувчилик корхонаси, этикдўзлик устахонаси очилди.

— Режамиз — гузарда ҳашаматли бир тўйхона қуриш, — деди ҳамроҳимиз «Маданият» ширкат хўжалиги раиси ўринбосари Абдуҷаббор Икромов. — Энди компьютер маркази очяпмиз. Тўртта компьютер олиб келиб қўйдик. Ўз шоҳмот-шашка ва теннис клубларимиз бўлади. Ана, стадионимизда болалар тўп суришяпти. Қайта таъмирлаб, футбол ишқибозлари учун ўринларни кўпайтиб, 4 мингга етказдик.

Маълумотномадан: туман маҳаллаларидаги ўсмирлар футбол жамоалари 103 тага етди. Уларда 21 минг 704 бола чарм тўп машғулотларига қатнашаётди.

Туманда йўлларга эътибор ўзгача. Кейинги йилларда ўнлаб километр йўллар янгича андозалар бўйича таъмирланди. Қибрай тумани йил сайин ана шундай иқтисодий жиҳатдан ривож топиб, қишлоқлар обод бўлиб бораяпти. Бу ўзгаришлар изланиш ва ташаббускорлик натижаси. Эришилган натижалардан қаноатланмаслик, эртанги кун режалари билан яшаш ва меҳнатни ўрнига қўйиш Қибрайда каттаю кичикка, амалдору ходимга хос фазилат.

Қибрайликлар «Обод маҳалла йили»ни кўтаринкилик билан якунламоқдалар. Келгуси 2004 йил — «Меҳр ва мурувват йили»даги режалар ва дастурлар эса бундан-да кўламли, бундан-да салмоқли бўлади, шубҳасиз.

Жўрабек МУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Даврон АҲМАД ва
Еркебой БОТИРОВ олган
суратлар.



Dushanba

29

«Ўзбекистон»
телеканал

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
08.00-8.45 "Тахлилнома".
08.45, 17.55 ТВ маркет
08.50 "Ўзбектелефильм" намоиши: "Уч қора", "Тулпорим".
09.10 "Нурли манзиллар".
09.25 "Хоразм наволарини".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 "Камалак".
Болалар учун кинодастур.
11.30 "Тиббиёт одимлари".
11.50 Муслиқий

танаффус.
12.05 "Кўрсатувдан кўрсатувгача".
12.25, 14.30 ТВ-клип.
12.35 "Ҳазилдан чиққан хангома". Ҳажвий новелла. 4-қисм.
13.10 Кураш бўйича Осиё чемпионати.
13.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
14.10 "КиноТеатр".
14.40 "Адабий жараён".
15.00, 17.25 ТВ-анонс
15.05 Кундузги сеанс: "Қор маликаси".
Бадий фильм.
16.25 1. "Ёш юлдузлар". 2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
17.30 "Ўзбектелефильм"

намоиши: "Эъзов". Премьера.
18.10 "Қорбобо ёзда". Мультифильм.
18.20 Бир жуфт кўшиқ.
18.30 "Мулдор".
18.50 "Бахтли воқеа". Телелотерея
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Парламент вақти".
21.25 "Ошин". Телесериал.
22.25 "Тасанно".
22.30 "Жондан азиз". Видеофильм премьераси.
23.35 "Ахборот-дайжест".
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
телеканал

12.30 Кўрсатувлар дастури

12.35 2003 йилнинг энг муҳим воқеалари: Мустақилликнинг 12 йиллигига бағишланган тантаналар
14.20 Болалар учун мультсериал: Ака-ука Гримм эртақлари
14.45 Жаҳон жуғрофияси
15.35 Ўзбекино тақдим этади: Қор кўнида лола. Бадий фильм
16.40 Янги авлод почтаси, Шоҳсупа
17.20 Мульттомоша
17.50 Ёшлар овози
18.10 Меҳр кўзда.
Мақтубларга шарҳ
18.30 Сув - ҳаёт манбаи
18.35 Тафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 ТВ - анонс
19.40 Coscom хабарлари
19.50 Қутқарув 050
20.10 Муслиқий лаҳзалар

20.20 Илдиз ва япроқ.
20.45 Гваделупе.
Телесериал
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ анонс
22.45 Хандалак плюс
22.55 Ёшлар телеканалда спорт дастури: Интерфутбол
00.40-0.45 Хайрли тун

«Тошкент»
телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани. «Марварид қиз».
18.30, 20.00, 20.45, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
19.15 ТТВада сериал: «23, 5 даражали бурчак остида».
20.20 «Байрамингиз

кўнгилли ўтсин». 20.30 «Авто-news». 21.00, 21.40 «Экспресс» телегазетаси.
21.10 «Янги йил саргузаштлари». 22.20 Кинонигоҳ. «Бечора Саша». 23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро»
телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Парле ву франсе?»
16.40 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам».
17.00 «Спорт масканларида».
17.20 «Мультсеанс».
17.40 «Кулгу қироллари».
18.05 «Евроныйос» янгиларлари.
18.15 «Кулгу хонаси».
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
21.00 «Время».
21.30 Премьера. С. Безруков «Худуд» фильмида.
22.40 «Бизнес-ревью».
22.45 «Шунқорлар театрида».
23.00 «Ахборот».
23.30 Кинематограф. «Замонлар оша».
Бадий фильм.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Маърифий дастур. 17.30, 20.45 «Телехамкор».
18.00 Кино: «Чўқинтирилган ўғил». 19.30 «Ошиқона». 19.45 «Бригада». Сериал.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 Кино: «Рус киллери».
23.15 Спорт.

Seshanba

30

«Ўзбекистон»
телеканал

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
08.00-8.35 "Ахборот".
08.35, 17.55 ТВ маркет.
08.40 Газеталар шарҳи.
09.00 "Ўзбектелефильм" намоиши: "Тўй либослари".
09.15 "Бир кулишайлик".
09.30 "Ислохот одимлари".
09.50 "Шаллангқулоқ". Мультифильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 "Уйда ёлғиз-1". Бадий фильм.
11.45 "Бизнес ҳафта".
12.05 "Ҳазилдан чиққан хангома". Ҳажвий новелла. 5-қисм.

12.40 "Мулдор".
13.00 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Муносабат".
14.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадий жамоаларининг концерти.
15.10 ТВ-анонс.
15.15 "Ўзбекистон телеканалда илк маротаба: «Юнонча тўй». Бадий фильм.
16.45 ТВ-клип.
16.55 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Хунарманд".
18.30 Бир жуфт кўшиқ.
18.40 "Байрамингиз кўнгилли ўтсин!".
18.50 "ТВ Бинго миллионер". Телелотерея.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN "Ўзбекистон

янгиликлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истеъмолчи".
21.20 "Ойдин кечалар". Байрам дастури.
22.00 "Келин-куёв". Телешоу.
23.10 "Ахборот-дайжест".
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
телеканал

06.55 Кўрсатувлар дастури
07.00 Мунаввар тонг. Информацион дам олиш дастури
09.00 Давр
09.15 ТВ анонс
09.20 Янги авлод студияси: Катта танаффус, Болалар учун концерт
10.00 Тонгги сериал: Рамаёна
10.35 Кинотакдим
10.55 ТВ-анонс
11.00 Давр ҳафта ичида

11.40 Гваделупе Телесериал
12.20 Ёшлар овози
12.40 Меҳр кўзда.
Мақтубларга шарҳ
13.00 Давр
13.10 Coscom хабарлари
13.20 Болалар учун мультсериал: Ака-ука Гримм эртақлари
13.45 Янги авлод почтаси, Шоҳсупа
14.25 Интерфутбол
16.05 Қишлоқдаги тенгдошим
16.25 Таянч
16.45 ТВ-анонс
16.50 Кўрсатувлар дастури
16.55 Янги авлод студияси: Ёқимли иштаҳа
17.10 Президент арчаси
18.30 Ёшлар овози
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 Давр - интервью
19.50 Марди майдон
20.15 Гваделупе Телесериал

21.00 Қилни қирқ ёриб... Интеллектуал ўйин
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ анонс
22.45 Хандалак плюс
22.55 Ёшлар телеканалда премьераси
Изқувар. Бадий фильм
00.15-0.20 Хайрли тун

«Тошкент»
телеканал

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 Болажонлар экрани.
17.25 «Тақдир ҳазили ёки қушдек энгил бўлинг». Бадий фильм. 1-қисм.
18.30, 20.00, 21.40, 23.55 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.10, 21.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Бахт салтанати».

20.20 «Сухбатдош».
20.40 «Янги йил оқшомлари».
21.55 «Ҳамшаҳарлар».
22.40 «Ҳар қадамда хангома». Ҳ. Тожибоев.
24.00 Кинонигоҳ. «Паҳлавон Санта Клаус».
1.30-1.35 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро»
телеканал

РЖТ. 8.00-9.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Бинафша».
16.40 «Евроныйос» янгиларлари.
17.00 «Дунёнинг янги мўъжизалари».
17.30 «Севимли ВИА». Концерт дастури.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Мўъжизалар майдони». Телеўйин.
21.00 «Время».
21.30 «Худуд». Сериал.

22.40 «Бизнес-ревью».
22.45 «Ишбилармон кишилар».
23.30 «FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
23.40 «Ахборот».
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки қучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Рус киллери». Фильм. 13.30 «Қора қарга». Сериал. 14.40, 19.30 «Ошиқона». 15.00 Телешоу. 16.00, 23.15 Спорт. 16.40 Хужжатли сериал. 18.00 «Ҳақиқий малласоч». Фильм. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 Кино: «Ёввойи бўри».

Chorshanba

31

«Ўзбекистон»
телеканал

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
08.00-8.35 "Ахборот".
08.35 ТВ маркет
08.40 Газеталар шарҳи.
09.00 "Байрамингиз кўнгилли ўтсин!".
09.10 ТВ-анонс.
09.30 "Камалак".
Байрам дастури.
11.05 Байрам табриги.
11.15 "Рангин дунё".
11.45, 14.55 ТВ-анонс.
11.55 "Уйда ёлғиз-2". Бадий фильм.
13.45 "Қувноқлар ва зукколар". Телемусобақа.
14.45 "Янги йил ўйлари".
15.00 "Саргузаштлар ороли". Телешоу.

15.30 2003 йил - Обод маҳалла йили. "Кўпчилик қаторида".
16.10 "Янги йил ўйлари".
16.20 "Яхшилик".
17.05 Байрам табриги.
17.15 "Антика шоу".
17.50 "Интеллектуал ринг". Телеўйин.
18.35 Байрам табриги.
18.45 "Ғап чиқди".
19.30 "Йилнома" (рус тилида).
20.20 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 "Йилнома".
21.35 "Айёмингиз муборақ!".
21.45 "Янги йил базми".
23.45 Янги йил табриги.
00.05 "Янги йил базми"нинг давоми.
02.20 "Девдас". Бадий фильм. 1-2-қисмлар.

05.20-05.25 Ватан
тимсоллари.
«Ёшлар»
телеканал

06.55 Кўрсатувлар дастури
07.00 Мунаввар тонг. Информацион дам олиш дастури
09.00 Давр
09.15 ТВ анонс
09.20 Янги авлод студияси: Ёқимли иштаҳа.
09.35 Мюнхазен саргузаштлари. Мультифильм
09.55 Президент арчаси
11.15 Давр - интервью
11.30 Гваделупе Телесериал
12.10 Қутилмаган меҳмон
12.30 Ёшлар овози
12.50 Хандалак плюс
13.00 Давр
13.10 ТВ анонс
13.15 Оппой. Бадий фильм

14.40 Хандалак плюс
14.50 Кўрсатувлар дастури
14.55 Янги авлод студияси: Оқ қабутар
15.15 Ёқимтой шахзода Бадий фильм
16.45 Йилнинг чемпионлари
17.10 Ёшлар овози
17.30 Маслаҳат
18.40 Чимён тароналари
19.15 Хандалак плюс
19.25 Очил дастурхон
19.50 Муслиқий лаҳза.
19.55 Янги йил табриги
20.00 Спорт-лотто
20.10 Хандалак
20.45 Янги йил табриги
20.50 Муслиқий лаҳза.
20.55 Иқлим
21.00 Давр
21.35 ТВ - анонс
21.40 Янги йил табриги
21.45 Шум боланинг саргузаштлари ёхуд янги йил базми. 1-қисм
23.45 Янги йил табриги

00.05 Шум боланинг саргузаштлари ёхуд янги йил базми. 2-қисм
01.50 Дилхирож. Бадий фильм
03.05 Янги йилнингиз қутлуг бўлсин

«Тошкент»
телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 «Сеними, шошмай тур!» мультфильмлар тўплами.
18.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус)
18.15 Тақдир ҳазили ёки қушдек энгил бўлинг». Бадий фильм. 2-қисм.
19.40 «Хориж хабарлари». /рус/.
19.45 «Табриқлаймиз, қутлаймиз».
20.15 «Хориж хабарлари».
20.20 «Шунчаки ҳазил». В. Шамшиев. 1-қисм.
21.20 «Пойтахт» ахборот дастури.

21.35 «Янги йил» табриқлари.
21.40 «Шунчаки ҳазил». М. Холмедов. 2-қисм.
22.50 «Фаровонлик бекати».
23.45 Янги йил табриги.
00.05 «Бахти бўлинг».
1.25 «Чет эл эстрада-си».
1.55 Кинонигоҳ. «Янги йил оқшомлари».
3.25-3.30 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро»
телеканал

РЖТ. 8.00-9.00.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «Том ва Жерри». Мультифильм.
16.30 «Лочин ва Томас». Бадий фильм.
17.55 «Татьяна Полонская билан бирга».
18.10 15 «Алсу».
Концерт дастури.
19.10 «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартирди». Бадий фильм.

21.00 «Время». Йил ҳисоботи.
21.40 «Шунчаки ҳазил». М. Холмедов. 2-қисм.
Галкин иштирокида. Янги йил кечаси.
23.45 «Янги йил табриги».
00.05 «РЖТ»да 2004 йил - Янги йил кечаси.

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05 Мультфейерверк. 10.00, 13.10 Мультифильм. 10.30 «Каспер» Эртақ. 14.00 «Тақдир ҳазили ёки қушдай энгил бўлинг». Фильм. 17.10, 22.20, 23.55 Муслиқий дастур. 17.20 «Афина оқшомлари». Мелодрама. 19.00 Янги йил тўғриси. 19.30 «Бечора Саша». Комедия. 21.00 «Смокинг». Комедия. 22.25 «Қора қарга». Комедия. 0.30 «Карнавал оқшомлари». Комедия.

Payshanba

1

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН!«Ўзбекистон»
телеканал

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
08.00-9.00 "Йилнома".
09.00 Газеталар шарҳи.
09.20 "Ўзбектелефильм" намоиши:

"Ўзбек таомлари".
09.40 "Муслиқий учрашув".
10.10 "Уйда ёлғиз-3". Бадий фильм.
11.50 "Кўпчилик қаторида".
12.30 "Жондан азиз". Видеофильм.
13.35 "Олтин тож"да Янги йил.
14.25, 17.35 ТВ-

анонс.
14.30 "Жиз-биз". Ҳажвий кўрсатув.
15.00 "Ўзбекистон - умумий уйимиз". Янги йил сони.
15.40 "Иқтидор". Интеллектуал шоу.
16.35 "Кулги фестивали".
17.40 "Президент арчаси".
19.00 "Яхши ният". Телелотерея.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Оқшом

эртақлари".
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиларлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 "Сарҳисоб".
22.05 "Янги йил ҳазили ёки Сиз қутган томоша". 1-қисм.
23.55 "Ахборот-дайжест".
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
телеканал
06.55 Янги йилингиз

қутлуг бўлсин
07.00 Мунаввар тонг. Информацион дам олиш дастури
09.00 Янги авлод студияси: Катта танаффус
09.30 Том ва Жерри Мультифильм
10.50 ТВ-анонс
10.55 Янги йил тароналари
11.15 Очил дастурхон
11.40 Қилни қирқ ёриб. Интеллектуал ўйин
12.30 Хандалак

13.05 101 нокаут
13.35 Янги йил фантазияси
14.30 Аёллар хангомаси
15.00 Янги йил тароналари
15.15 Гарри Поттер ва ҳикматлар тоши.
Бадий фильм 1-қисм
16.30 Хандалак плюс
16.40 Янги йил тароналари
16.50 Гарри Поттер ва ҳикматлар тоши.
Бадий фильм 2-қисм
18.00 Қаҳқаҳа театр студияси намоиш

этади
18.30 Заковат интеллектуал ўйини
19.45 Оҳанг
20.55 Иқлим
21.00 Давр
21.30 ТВ-анонс
21.35 Севара Назархон қўилади
22.25 Хандалак плюс
22.35 Ёшлар телеканалда премьераси.
Муҳаббат қиссалари Бадий фильм.
00.10-0.15 Хайрли тун

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Навниҳол».
17.40 Болажонлар экрани.
«Золушка учун уч ёнгоқ».
19.10 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.40 «Нима учун?»

20.25 «Мисли гавҳар».
21.05 «Шунчаки ҳазил».
«Олтин балиқ».
22.05 Кинонигоҳ. «Етим қиз».
23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканал

7.00 «Спорт» телеканалнинг очилиши.

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур».
7.15 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.
9.15 «Қорбобо – спортчи болалар меҳмони».
9.45 «Ўзбекистон ифтихори». Ирода Тўлаганова.

10.10-12.00 «Қизлар» комедияси.
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 «Хабарлар».
17.00 «2003-йил қўшиқлари». 1-қисм.
20.00 А. Пугачева, М. Галкин «Кўш куён» мусикали комедиясида.

21.45 «Хабарлар».
22.00 «Спорт» телеканалнинг очилиши.
«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур».
22.15 «Спорт» телеканалда янги йил стартини.
Янги йил шоуси.
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 13.30 Мультфайерверк. 10.00 «Маша ва Витянинг Янги йил саргузаштлари». Эртақ. 11.10, 17.10, 21.50 Мусикий дастур. 11.30 «Ишбилармон қиз». Мелодрама. 14.00

«Такси-3». Комедия. 15.30 «Орзулар қаерларга етаклар?». Мелодрама. 17.30 «Рух». Мелодрама. 19.30 «Ошиқона». 19.50 «Кўзбўямачилик». Детектив. 22.00 «Грейсландгача 3000 мил». Фильм. 24.00 «Баллистик». Фильм.

Жума**2****«Ўзбекистон» телеканал**

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
08.00-8.35 «Ахборот».
08.35 ТВ маркет.
08.40 «Куйла, ёшлигим».
09.00 «Олтин тож» да Янги йил.
09.50 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Уддабурон болалар». 1-қисм.
11.15, 14.25 ТВ-анонс.
11.20 «Иқтидор». Интеллектуал шоу.
12.15 «Оху», «Қизча ва куёнчалар». Мультфильмлар.
12.35 «Сарҳисоб».
13.35 «Кулги фестивали».
14.35 «Ўзбеккино» тақдим этади: «Ёдгор». Бадий

фильм.
15.40 ТВ-клип.
15.50 «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусобақа.
17.00 «Кўшигим - жон қўшигим».
17.30 «Калиш». Қисқа метражли бадий фильм.
18.00 Янгиларлар
18.10 Антиқа шоу
18.45 «Юртимиз фидойилари».
19.05 «Хидоят сари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон ва жаҳон».
21.25 «Янги йил ҳазили ёки Сиз кутган томоша». 2-қисм.
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30-23.35 Ватан

тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

06.55 Кўрсатувлар дастури.
07.00 Мунаввар тонг. Информацион дам олиш дастури
09.00 Давр
09.15 ТВ анонс
09.20 Қишки таътил экрани: Аёз бобо Бадий фильм
10.45 Ёшлар овози
11.05 Мезон
11.25 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.45 Спорт қитъаси (рус тилида)
12.15 101 нокаут
12.45 Янги йил тароналари
13.00 Давр
13.10 ТВ анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: Ака-ука Гримм эртақлари
13.40 Интерфутбол Жаҳон юлдузлари учрашуви
15.20 Ҳандалак плюс

15.30 Янги йил арафасида. Бадий фильм
16.55 ТВ-анонс
17.00 Кўрсатувлар дастури
17.05 Янги авлод студияси: Болалар шеърляти, Томир
17.35 Филча ва мактуб Мультфильм
17.45 Аскар мактублари
18.05 Ракурс.
18.25 Табобат оламида
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 Давр-интервью
19.50 ТВ-анонс
19.55 Мусикий лаҳза
20.00 2004 йил - Меҳмурувват йили. Меҳмурувват йили.
20.45 Гваделупе Телесериал
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ анонс
22.45 Ҳандалак плюс
22.55 Ишқ сурури Бадий фильм

00.30 Ёшлар телеканалда спорт дастури: Ринг қироллари
01.20-1.25 Хайрли тун
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 Мультфильм.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Биз ва болалар».
18.30, 20.00, 20.50, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
20.20 «Эл хизматида».
21.05 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
22.05 Кинонигоҳ. «Янги йил хангомалари».

23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканал

7.00 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.
9.00 «Спорт-менинг ҳаётим». Ўзбекистон футбол федерациясида Янги йил.
10.00 «Клип-антракт».
10.10 «Барбос лақабли ит ёки ғайриоддий кросс». Кинокомедия.
10.20 «Чўчкача шаҳарда». Комедия.
12.00 – 14.45 «2003 йил қўшиқлари». 2-қисм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.10 «Спорт-менинг ҳаётим».
17.30 «Қамолот сари».
18.00 «Клип антракт».
18.10 «2003-йил қўшиқлари». 3-қисм.
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.40 «Болалар спорти».

21.55 «Олимп сари йўл».
22.10 «Бекҳемдан қолишма». Бадий фильм.
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40, 16.00, 23.15 Спорт. 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Баллистик». Фильм. 13.30 «Қора қарға». Телесериал. 14.40, 19.30 «Ошиқона». 15.00 Телешоу. 16.40 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал»да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.05 «Клип-совға». 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!», 21.30 Кино: «Кўзга кўринмас».

Шанба**3****«Ўзбекистон» телеканал**

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
08.00-8.35 «Ахборот».
08.35 ТВ-анонс.
08.40 «Мусиқа дунёси». Телеальманах.
09.00 «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусобақа.
10.10 «Хидоят сари».
10.30 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Уддабурон болалар». 2-қисм.
12.10 «Ўзбекистон ва жаҳон».
12.30, 14.30 ТВ-клип.
12.40 «Бу турфа олам».
13.30 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
14.40 «Дўстлик» видеоканали. 1. «Бизнен мирас». 2. «Маврид». 3. «Ирмоқлар».

15.40 «Лоло». Мультфильм.
16.30, 17.00 ТВ-анонс.
16.35 Эстрада тароналари
17.05 «Бир қулишайлик».
17.20 Саргузаштлар ороли Телешоу
17.50 «Рангин дунё».
18.20 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
19.05 «Ўзлотто». Телелотерея.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўшигимиз Сизга армуғон».
21.45 «КиноТеатр».
22.05 «Ўзбекистон» телеканалда илк

маротаба». Биз ёлғиз эмасмиз». Бадий фильм. 1-қисм.
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

06.55 Кўрсатувлар дастури
07.00 Мунаввар тонг. Информацион дам олиш дастури
09.00 Давр
09.15 Янги авлод студияси: Болалар шеърляти, Томир
09.45 Қишки таътил экрани: Жохил қирол ва муҳаббат Бадий фильм
11.05 Давр-интервью
11.20 Табобат оламида
11.45 Гваделупе Телесериал
12.25 Бола тилидан
13.00 Ринг қироллари
13.50 Ракурс
14.10 Жек ва ловия

пояси. Бадий фильм. 2-қисм
15.00 Мусикий лаҳзалар
15.15 Жаҳон жуғрофияси
16.05 Қишлоқдаги тенгдошим
16.25 Ҳандалак плюс
16.35 Учинчи сайёра маърифий дастури
17.25 ТВ-анонс
17.30 Кўрсатувлар дастури
17.35 Янги авлод студияси: Бўш ўтирма, Гулгунчалар
18.15 Меҳмонхона
18.40 Каталог
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 Давр - репортаж
19.45 ТВ-анонс
19.55 Жек ва ловия пояси. Бадий фильм 3-қисм
20.50 Оҳанрабо
22.00 Давр
22.40 ТВ - анонс
22.45 Ҳандалак плюс

22.55 Менинг қизим бор. Бадий фильм
00.25-0.30 Хайрли тун
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Мультчархпалак».
18.05, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Билим» телеклуби.
18.35 «Афиша».
18.55 «Мисли гавҳар».
19.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.05 «Жаҳон географияси».
20.35 ТТВда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
21.35 «Янги йил хангомалари».
22.15 Кинонигоҳ. «Суғур кун».
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканал

7.00 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.
9.00 «Қорбобо-спортчи болалар меҳмони».
9.25 «Ўзбекистон ифтихори». Азамат Абдураимов.
9.55-11.30 «Осмондан тушган фаришталар». Бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.10 «Спорт-менинг ҳаётим».
17.25 «Пахтакор-2003». Яқун ва режалар.
18.10. С. Ротару, Ф. Киркоров ва бошқалар «Янги йил концертида».
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.40 «Болалар спорти».

21.55 «Олимп сари йўл».
22.10 «Учинчи тайм». Футбол шарҳи.
22.40 «Қураш бўйича Ўзбекистон кубоги».
23.15 «Клип-антракт».
23.30 «Нима? Қачон? Қаерда». Финал ўйини.
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Оламга нигоҳ». 12.00 Кино: «Кўзга кўринмас». 13.40 Хужжатли фильм. 14.30 Ҳинд киноси. 17.00 Телеўйин. 18.10 Кино. 19.45 «Ошиқона». 20.00 «Спорт-экстрим». 20.30 «Клип-совға». 21.05 «Фурурлик кодекси». Сериал. 22.00 Кино: «Суд маслаҳатчиси». 23.45 Мусикий дастур.

Yakshanba**4****«Ўзбекистон» телеканал**

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
08.00-8.35 «Ахборот».
08.35 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Кўҳна замин оҳанглари».
11.40 «Бу турфа олам».
12.30, 16.40 ТВ-клип.
12.40 «Куч - билим ва тафаккурда».
13.15, 17.50 ТВ-анонс.
13.20 «КиноТеатр».
13.40 «Бойвачча Рич». Бадий фильм.

15.10 Мусикий танаффус.
15.20 «Дўстлик» видеоканали: 1. Рангинкаммон. 2. «Дидар». «Айчурек». 3. «Чинсэн».
16.50 «Зарғалдоқ». Мультфильм.
17.10 «Ойдин кечалар».
17.55 «Болалар сайёраси»: Янги йил эртаги
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Кун мавзуси».
21.25 ТВ-клип.
21.35 2004 йил - Меҳмурувват йили. «Яхшилик».
22.15 «Ўзбекистон» телеканалда илк

маротаба: «Биз ёлғиз эмасмиз». Бадий фильм. 2-қисм.
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

06.55 Кўрсатувлар дастури
07.00 Мунаввар тонг. Информацион дам олиш дастури
09.00 ТВ анонс
09.05 Давр - репортаж
09.15 Янги авлод студияси: Бўш ўтирма, Гулгунчалар
09.55 Очил дастурхон
10.20 Заковат интеллектуал ўйини
11.40 Йилнинг чемпионлари
12.05 Ёшлар телеканалда харбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди-майдон, 2. Аскар мактублари, 3. Қутқарув 050

13.05 Оҳанрабо
13.45 Жек ва ловия пояси. Бадий фильм 3-қисм
14.35 Ёшлар овози
14.55 Ҳандалак плюс
15.05 Учинчи сайёра маърифий дастури
15.55 Қишки таътил экрани: Пинокио. Бадий фильм
17.40 Кўрсатувлар дастури
17.45 Янги авлод студияси: Катта танаффус
18.15 Ҳандалак
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр - news
19.15 Жек ва ловия пояси. Бадий фильм 4-қисм
20.05 Мусикий лаҳза
20.15 Кичкина табиб Бадий фильм.
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр ҳафта ичида

22.35 ТВ - анонс
22.40 Ҳандалак плюс
22.50 Африка армонлари. Бадий фильм
00.40-0.45 Хайрли тун
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.25, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
19.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.05 «Жаҳон географияси».
20.35 «ТВ плюс».
21.35 ТТВда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
22.35 Кинонигоҳ. «Омадди жентльменлар».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканал

7.00 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.
9.00 «Қувноқ стартлар».
9.30 «Рақибингиз гроссмейстер».
9.45 «Ўзбекистон ифтихори». Миржалол Қосимов.
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30-11.00 «Хамма уйдалигида».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.10 «Спорт-менинг ҳаётим».
17.30 «Клип-антракт».
17.40 «Қураш бўйича Ўзбекистон кубоги».
18.10 «Аралаш». Янги йил сони.
18.50 «Интертеймент хўжалиги». Бадий фильм.

21.00 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
21.30 «Хабарлар».
21.40 «Болалар спорти».
22.05 «Ўзбек спорти одимлари».
22.20 «Жаҳон спорти».
22.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Кино: «Суд маслаҳатчиси». 13.40 Шоу дастури. 14.30 Кино: «Ёлғиз қахрамон». 16.30 Маърифий дастур. 17.00 Телеўйин. 18.10 Кино: «Қўрқув ҳукмронлиги». 19.45 «Ошиқона». 20.00 «Спорт-экстрим». 21.05 «Фурурлик кодекси». Сериал. 22.00 Кино: «Икки таси кўплик қилади». 23.45 Спорт шарҳи.

МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Олмалик шахрида ногиронлар ва вояга етмаган ўғил-қизлар ўртасида югуриш (кросс) бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Мазкур тадбир кириб келаётган Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббуси билан вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Ватанпарвар» мудофаага қўмаклашувчи кенгаши, Болалар спортини

ривожлантириш жамғармаси, халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, касаба уюшмалари кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди. Унда вилоятимизнинг 15 та шаҳар ва туманидан 20 га яқин жамоа вакиллари иштирок этди. Хар бир жамоа таркиби 11 кишидан иборат эди.



— Бугунги мусобақа оммавий спортни ривожлантиришга қўшилажак муносиб ҳисса бўлди, — деди «Ватанпарвар» мудофаага қўмаклашувчи вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Холтўра Шафоатов. — Ниятимиз, келгусида бундай тадбирларни тез-тез ўтказиш. Чунки, спорт беллашувлари меҳр-мурувват борасидаги ишларнинг энг таъсирчан ва самарали воситасидир.

Мусобақага старт берилди. Биринчи бўлиб югуриш йўласига 7-8 ёшли ўғил-қизлар таклиф этилди. 300 метрли масофани босиб ўтишга чоғланган бу болаларнинг ҳаммаси ҳам спорт билан шуғullanмайдилар. Лекин, ким биларди дейсиз, бугун голиблик иштиёқида турган шу авлод вакиллари орасидан эртаиндин Жаҳон ва Олимпиада чемпионлари етишиб чиқар. Хар қалай, бугунги биринчилик сабаб бўлиб, уларнинг кўпчилиги бирон-бир спорт турининг бошини тутса ажабмас. Шунинг ўзи катта ютуқ эмасми?!

Биринчи гуруҳдаги қизлар баҳсида учала фахрий ўринлар олмаликлик қизлар Алёна Зоткина, Даша Платонова, Севилья Чикригинага насиб этди. Шу ёшдаги ўғил болалар беллашувда Сергей Тимшин, Михаил Тен, Артур Ким барча рақибларини орта қолдиришди. Ногирон ўғил-қизлар 500 метрли масофада ўз кучларини синашди. Окжўргонлик Юля Шокирова марра чизигига 1 дақиқа 56,2 сонияда етиб келиб, голиб бўлди. Лобар Эшбўтаева (1 дақиқа 58,2 сония), Моҳира Эгамова (2 дақиқа 00,1 сония) ҳам яхши кўрсаткичларга эришдилар. Тимур



Скорняков, Ваҳоб Эрназаров, Николай Медведев ҳам фахрли ўринларга сазовор бўлишди.

14 ёшгача қизлар ичида Екатерина Дубова 2 дақиқа 15,7 сония, Света Проценко 2 дақиқа 21,8 сония, Кастя Минимухамметова 2 дақиқа 25,4 сонияда дастлабкилардан бўлиб белгиланган масофани босиб ўтишди. Ушбу ёшдаги ўғил болалар ичидан паркентлик Абдурашид Ягъев, ангренлик Виктор Колугин, Куйичирчиқ туманидан Абдулазиз Мусахонов мусобақа ҳомийлари томонидан тақдим этилган энг сара совғаларга эга бўлдилар. Мусобақада енгил атлетика бўйича қизлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатининг совриндори, Душанбеда бўлиб ўтган Марказий Осиё ўйинларида 2-ўрин соҳиби Ирина Зудихинанинг иштироки йиғилганларда катта таассурот қолдирди. У 18 ёшгача бўлган спортчи қизлар ўртасида 7 дақиқа 21,4 сония кўрсаткичи билан биринчи ўринга сазовор бўлди. Альфия Рахма-

тулина, Валя Макарова шохсупанинг кейинги ўринларидан жой олишди. Шу тур баҳсида ўғил болалар орасида Чирчиқ шаҳри вакили Карен Назарян (6 дақиқа 29,4), олмаликлик Решат Айдинов (51,2), Отабек Бойжуманов (53,8) голиб чиқашди.

Мусобақанинг сўнгги, яъни 5 километрли масофасида бекободлик Андрей Петров биринчи бўлиб етиб келиб, бош соврин — телевизор билан тақдирланди. Мусобақа сўнгида голиб ва иштирокчилар фахрий ёрлик, эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Тадбирда Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Шавкат Қамбаров ҳам иштирок этди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган
суратлар.

Бунни ҳаёт дейдилар

Баҳрулло йўл ёқасида қўл кўтариб турган аёлни кўриб, машинасини тўхтатди.

— Ака узр. Кўксаройга олиб кетмайсизми?

Баҳрулло аёлга диққат билан тикилди. Кўхликкина, чап юзидаги холи ўзига бирам ярашиб турибди.

— Майли, ўтира қолинг, — деди у машина эшигини очиб.

Аёл қимтинибгина орқа ўриндикка чиқди.

Баҳрулло йўлда аёлни гапга солмоқчи бўлди.

— Кечирасиз, — деди у, — қаерга кетаяпсиз?

— Тоғаникига, — деди аёл.

— Зарур ишим бор эди. У ёқ-бу ёққа кетиб қолмасларидан етиб борай деб шошиляпман.

— Сир бўлмаса, нима ишингиз бор эди?

— Ёлгон гапирсам, гуноҳ бўлар. Озроқ пул керак бўлиб қолди.

— Сўраганинг айби йўқ, — деди Баҳрулло, — турмуш ўртоғингиз борми?

Аёлнинг кўзларида ёш томчилари йилтиллади.

— Автохалокатга учраб, вафот этганларига бир йилдан ошди.

Уйда ёшлари тўқсонга кириб

сизни бир жойга олиб бораман.

Бу гапни беихтиёр айтиб юборганидан ўнғайсизланган Баҳрулло бироз жим қолди.

Аёлнинг авзойи бузилди:

— Нималар деяпсиз, ака, — деди у. — Мен сиз ўйлаган аёл эмасман.

— Жаҳлингиз чиқмасин, айтдим-қўйдим-да, — деди Баҳрулло.

Ханифа бироз юмшагандек бўлди.

Икковлари анчагача жим бўлиб қолдилар. Ниҳоят, бу сукунатни аёлнинг овози бўлди.

— Ака, машинагизни тўхта-тиб юборинг, мен тушиб қоламан, — деди Ханифа. — Илтифотингиз учун раҳмат.

Баҳрулло машинасини тўхтатди. Сўнг ёнидан озроқ пул чиқариб, аёлга узатди.

Ханифанинг ранги оқарди.

— Йўқ, — деди у. — Пулингизни олмайман.

Баҳрулло бўш келмади.

— Ахир, уйингизга қуруқ кириб борсангиз бўлмайди. Онам бизга нима олиб келаркин, деб фарзандларингиз кўзларини жовдиратиб турганликларини тасаввур қиляпман. Бу қарз, вақти келганда қайтариб берарсиз.

САДОҚАТ ҚАДРИ

қолган қайнонам, бир ўғил ва бир қизим билан зор қақшаб қолдик. Улар ҳали ёш. Анча қийналяпмиз. Шунинг учун ёрдам сўрагани отланган эдим.

Баҳрулло бемавруд савол бериб қўйганидан хижолат тортиб узр сўради.

— Келдик чоғи, тўхтатиб юборинг, — аёл ён чўнтагини кавлай бошлади.

— Овора бўлманг, — деди Баҳрулло, — пулингиз керак эмас. Савоб ҳам керак-ку. Мен тезда қайтаман, сиз ҳам хаёллаб қолмасиз. Шу ерда кутиб турсангиз...

— Йўғ-э, — деди аёл ийманиб, — овора бўлиб юрманг, мен ўзим...

— Овораси борми... — деди Баҳрулло. — Йўлимиз бир-ку!

Баҳрулло аксига олиб борган жойида бироз ушланиб қолди. Машинасини одатдагидан тезроқ ҳайдаб, Кўксаройга етиб келди.

Афтидан аёл уни кута-кута умидини узиб бўлган ва автобус тўхташ жойи томон кетаётган экан. Баҳрулло машинасини унинг ёнида тўхтатди. Аёл машинага уялибгина чиқди.

Йўлда улар гаплашиб кетдилар. Ўзини Ханифа деб таништирган аёл хомуш эди.

— Тоғанигизни учратдингизми?

— Йўқ, — деди аёл.

— Хафа бўлманг, — деди Баҳрулло. — Ҳаммаси яхши бўлади.

Улар ака-сингил тутиндилар.

— Агар йўқ демасангиз, мен

— Майли, — деди аёл. — Ҳимматингиз учун катта раҳмат.

Ахир биз ака-сингил тутиндик-ку. Қолаверса, ишлаш жойингизни ҳам айтдингиз. Телефонингизни бердингиз, менинг қаерда яшашимни биласиз. Пул топдим дегунча, албатта, қайтараман.

Улар бир-бирлари билан хайрлашдилар.

...Ўн-ўн беш кун ўтмай, Ханифа чиндан ҳам телефон қилди. Эртасига келиб, қарзини берди-ю, уйига таклиф қилди.

Эраки йўқ уйга боришни ўзига эп кўрмаган Баҳрулло:

— Хафа бўлманг синглим, — деб жавоб берди унга, — мен сизларникига боролмайман. Лекин нима юмушингиз бўлса, айтаверинг, қўлдан келганча ёрдам бериб тураман.

Ханифани кузатиб қайтаркан, Баҳрулло хаёлан унга мурожаат қилгандек бўлди: «Сен покдомон аёл экансан, тўғри йўлдан кетаяпсан. Фарзандларинг бахти, камоли, келажаги учун шу йўлингдан сира адашма. Ҳали шундай пайтлар келадики, сен бошингга тушган ташвиш-қийинчиликларни кўрмагандай бўлиб кетасан. Ўзинг емай едириб, киймай кийдириб, кўз қорачиғидай ардоқлаб катта қилган, вояга етказган фарзандларинг сени эъзозлашади, ардоқлашади, етти қават кўрпачанинг устига ўтқазиб, хурматингни, иззатингни ўрнига қўйишади...»

Носир РИХСИЕВ.

БЕКОБОДА СПОРТ ТАДБИРИ

Бекобод туманининг Ойбек номи ширкат хўжалиги марказидаги 31-мактабда АҚШнинг Марказий Осиёда спорт ва саломатликни тарғиб қилиш дастури ҳомийлигида спорт мусобақалари ўтказилди.

Унда бекободлик ўқувчилар қўшни Тожикистон Республикасининг Нов туманидаги 25-мактаб ўқувчилари билан спортнинг волейбол ва минифутбол турлари бўйича беллашдилар.

Мусобақада волейбол бўйича мезбонлар устун келган бўлса, мини футболда меҳмонларнинг қўли баланд келди. Голиб жамоаларга ҳомийлар томонидан турли қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ушбу спорт байрамида АҚШнинг ҳудудий дастур директори Уайли Уильямс ва дастур мувофиқлаштирувчиси, республикамизнинг таниқли спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаевлар иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

ПОЛВОНЛАР КОРЕЙСЧА КУРАШДИ

Пойтахтда шарқона яккакураш тури — сирим бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси якунланди. Сирим — корейсларнинг миллий кураш тури бўлиб, спортчидан куч, тезкорлик ва чаққонликни талаб қилади. Унда қўлланиладиган усуллар ўзбек кураши, дзюдо ва самбо усулларига жуда яқин.

Мамлакат кубоги учун кечган беллашувларда олтмиш тўрт нафар полвон тўрт вазн тоифасида куч синашди. Барча рақибларни доғда қолдирган О.Отабаев, Д.Қурбонбоев, Д.Рўзиев ва М.Тошев ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгалладилар.

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2004 йил 27 январь ва 3, 10, 17, 24 февраль соат 12.00 да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.

Савдога қўйиладиган қўйилади:

1. Олмалик шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан ўмрбод эгалик қилиш ва уй-ҳой қуриш учун сотилиши белгиланган, қўйидаги манзилларда жойлашган ер майдонлари:

— Олмалик шаҳар, «Навоий» проспектида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,06 Га бўлган 2 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 101 640 сўм.

— Олмалик шаҳар, «Навоий» проспектида жойлашган, сатҳи 0,04 Га бўлган 1 та ер майдони.

Бошланғич баҳоси — 67 760 сўм.

— Олмалик шаҳар, «Ипак йўли» кўчасида жойлашган, сатҳи 0,06 Га бўлган 1 та ер майдони.

Бошланғич баҳоси — 101 640 сўм.

— Олмалик шаҳар, «Интизор» проспектида жойлашган, ҳар бири-

нинг сатҳи 0,06 Га бўлган 2 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 101 640 сўм.

— Олмалик шаҳар, «Интизор» проспектида жойлашган, сатҳи 0,04 Га бўлган 1 та ер майдони.

Бошланғич баҳоси — 67 760 сўм.

2. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, У. Юсупов кўчасида жойлашган «Тезкор» масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич баҳоси — 20 419 800 сўм.

3. Тошкент вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасига қарашли ГА3-3102 русумли, давлат рақами 10 TV 230, 1987 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 537 400 сўм.

Ер майдонларига ариза қабул қилиш кимошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

Кўчмас мулк объектларига ва автотранспорт воситаларига ариза қабул қилиш кимошди савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдоларида сотилиб қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг ҳар бир тўловидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордени олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдаридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақини олоҳида «Xususiy lashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўرғазмалар залида «Табиат ва рассом» кўрғазмаси очилди.

ТАБИАТ ВА РАССОМ

Ҳар йили академиянинг «Табиат ва рассом» секцияси аъзолари Чорбоғ, Сижжак, Бойсун каби юртимизнинг сўлим гўшаларига сафар уюштиришади. Сафар давомида табиат ва рассом қалби уйғунлигини акс эттирувчи асарлар дунёга келади. Аънаввий тарзда ўтказиладиган кўрғазманинг бу галгиси ўзига хос

сарҳисоб тарзда ташкил этилди. Унда мусаввирларнинг йил давомида яратган асарлари намойиш этилмоқда.

Кўрғазмадан саксондан ортиқ мусаввирларнинг графика, ранг тасвир, манзара каби жанрлардаги тасвирий санъат намуналари ўрин олган.

ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИ

Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида «Энг иқтидорли ўқувчи» республика кўрик-танлови бошланди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий вазибаларидан бири — бу ёшларга таълим-тарбия бериш ишларини ривожлантириш, уларда касб-ҳунарга бўлган қизиқишни орттиришдан иборат. Мазкур кўрик-танлов ҳам иқтидорли ўқувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг иxtиpочилик қобилиятларини ҳамда илмий-ижодий ишларини янада такомиллаштириш мақсади-

да ўтказилмоқда.

Танлов шартига кўра, ўқувчилар ўз ишларини кўрғазмага тақдим этиш билан бирга уни ҳайъат аъзоларига назарий томондан асослаб беришлари ҳам лозим.

Танловнинг республика босқичига иштирокчиларнинг 76 та иxtиpо ва иждодий ишлари тақдим этилган. Шундан 27 таси саноат, 30 дан зиёда халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик соҳаларига тегишлидир.

УЧРАШУВ

Ўзбекистон давлат консерваториясида пойтахтдаги Юнус Ражабий номи педагогика коллежининг мусиқа бўлими талабалари билан учрашув ўтказилди.

Ҳозирда Ўзбекистон давлат консерваториясининг хор бўлимида юздан ортиқ талабалар мазкур санъатнинг сир-асрорлари ҳамда уни ижро этиш маҳоратини ўрганиб келишмоқда. Мазкур учрашувда ҳам хор санъатининг бугунги муаммолари ва келгуси-

даги истиқболлари хусусида сўз борди.

Тадбирда коллежнинг мусиқа бўлими ўқувчилари хор ижрочилиги борасидаги ўз маҳоратларини намойиш этишди.

«Туркистон-пресс».

«ТОШВИЛОЯТАВТОТЕХХИЗМАТ»

ҳиссадорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон халқини, хусусан, вилоятимиз аҳлини
кириб келаётган Янги —

2004 йил

билан самимий муборакбод этади.

Меҳр ва мурувват йили хонадонингизга қувонч келтирсин,
ушалмаган орзуларингиз амалга ошсин.

Узоғингизни яқин қилиб, Сизни янги муваффақиятлар томон элтаётган
ўзбегим машиналарида босиб бораётган йўлингиз янада раван ва беҳатар бўлсин.



Янги йил билан, азиз юртдошлар!

Bolalik bog'i



ARCHAMIZ

*Bobom bilan hovlida,
Tog' archasin o'stirdim.
Yoz bo'yi parvarishlab,
Chelak-chelak suv quydim.*

*Qishda ham, bahorda ham,
Yam-yashil, adl qomati.
O'zga rangga kirishga
Yo'q archamiz odati.*

*Oltin rangli taqinchoq,
Taqdik mitti shoxiga.
O'xshab ketdi archamiz,
Xuddi eram bog'iga.*

*Qorbobomiz ko'rsalar,
Quvnar edi ko'zlari.
Davra qurib o'ynashga,
Chorlar edi o'zlari.*

Asom ZIYOMAT.

ҚОРБОБО ВА ҚОРҚИЗ ҚИБРАЙДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қибрай туман кенгаши «Камалак» болалар ташкилоти билан ҳамкорликда «Камалак арчаси» байрам кечасини уюштирди.

Тантаналар «Нарита-сервис» компьютер жиҳозларини таъмирлаш хусусий фирмаси биносида бўлиб ўтиб, унда 100

нафарга яқин кам таъминланган оилалар фарзандлари қатнашди. Шу кунни болаларга ҳомийлар ҳамда Қорбобо ва Қорқиз томонидан тайёрланган Янги йил совғалари улашилди.

Муҳаммад СУННАТОВ.

«Тозалаш»

«ТАДБИРКОР»ЛАР ЧУВ ТУШДИ

Вилоят Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан жиноятчиликни олдини олиш, ҳар хил турдаги ноқонуний хатти-ҳаракатларга барҳам бериш мақсадида жойларда «Тозалаш» тадбири ўтказилмоқда. Шу жараёнда ноқонуний фаолият кўрсатаётган баъзи «тадбиркор»ларнинг сири фош этилмоқда. Чунончи, рейдлар давомида бир қатор ноҳуш ҳолатларнинг гувоҳи бўлаяпмиз. Маълумки, бугун тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган киши учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Лекин баъзи кимсалар тўғри йўл қолиб, эгри йўлни танлашаётгани кишини таажжублантиради. Ачинарли томони шундаки, бундай кишиларнинг ноқонуний ишлари ва ўз билганича чиқараётган маҳсулоти аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Оққўрғон туманидаги «Озод» ширкат хўжалигининг Ёғлиқ маҳалласида истиқомат қилувчи Баҳром Зокиров ўз уйида қўлбола мойжувозни ишлатаётганини аниқлади. Унинг хонадонидида далилий ашё сифатида икки тонна пахта чигити ва икки тонна кунжара олинди. Агар бир килограмм чигитдан 250 грамм ёғ маҳсулоти чиқиши эътиборга олинса, бу сифатсиз маҳсулотдан қанча одам жабр чекишни тасаввур қилиш қийин эмас.

Қуйичирчиқ туманида бўлганимизда ҳам худди шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Улуғбек номли хўжаликнинг Мингчинор қўрғонидида яшовчи Баҳром Ҳақимов ҳам «тадбиркор»лик фаолиятини бошлаб юборган экан. Нафси ҳақалак отган «ишбилармон» санитария қоидаларини бутунлай унутиб, ўзининг қўлбола мойжувозини молхонасига ўрнатган. Албатта, бу қонунбузарлар ўз жазосини олиши муқаррар.

Шу каби мисолларни бошқа туманлардан ҳам келтириб ўтишимиз мумкин. Лекин асосий гап бунда эмас. Гап бу «ишбилармон»лар шахсий манфаатларини кўзлаб, осон пул топиш илминда аҳоли соғлигига жиддий хавф солаётганидир. Ажабланарлиси, нима учундир шундоққина

ёнгинасида ёки маҳалла ҳудудида бу ноқонуний ишлар билан шуғулланаётган кишиларни на маҳалла оқсоқоли, на кўни-қўшнилари бу йўлдан қайтаришга ёки тегишли ташкилотларни бундан хабардор қилишга ҳаракат қилишмайди.

Биз бу масала юзасидан мутахассисларга мурожаат қилдик. Олинган маълумотларга кўра бундай қўлбола маҳсулотлар жуда жиддий хасталикларни келтириб чиқаришга сабаб бўлар экан. Маълумки, ёғ қувват манбаи ҳисобланиб, у ҳужайравий модда алмашинувида бевосита иштирок этади. Сифатли ёғ таркибида одам танасининг физиологик эҳтиёжига қараб зарур биологик моддалар — ёғ кислотаси, фосфатит, стеринлар бўлиши керак. Қўлбола усулда тайёрланаётган ёғларда эса бундай хусусиятлар қузатилмайди. Энг асосийси, ёғни тозалаш жараёнида гассипол моддаси қолиб кетади. Ёғ-мой комбинатларида эса филтризация ва дизитрация жараёнилари ўн босқичда ўтказилади.

Қўлбола усулда тайёрланган ёғларни истеъмол қилган кишиларда ошқозон яраси, гастрит, сурункали жигар касалликлари, токсагепатит хасталиклари келиб чиқади. Ошқозон кислотали ва ишқорли муҳитининг бузилишига, ҳужайралардаги модда алмашинув тизимига таъсир қилиб, ҳатто бепуштлиққа олиб келади. Бу хасталиклар келиб чиқишининг олдини олиш учун эса истеъмолчилар эҳтиёткор бўлишлари лозим. Маҳсулотни дуч келган жойдан эмас, балки унинг сифат ёрлиғи бўлган дўконлардан харид қилган маъқул. Бундай йўл тутган истеъмолчилар ўз соғлиқларини асраш билан бирга сохта тадбиркорлар бозорини касод қилишади ва ўз ўзидан яна бир жиноятнинг олдини олишга муносиб ҳисса қўлишади.

Абдуқодир РАҲИМЖОНОВ,
вилоят Ички ишлар бошқармаси
бошлигининг ўринбосари, милиция
подполковниги.

Яқунланаётган 2003 йил мамлакатимизда ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятида ҳам ўчмас из қолдирган салмоқли давр бўлди, десак адашмаймиз.

БАЙРАМ
СОВҒАСИ
БЎЛДИ

Болажонлар қувончига-қувонч қўлиш ҳамда амалга оширилган эзгу ишларни келгуси — «Меҳр ва мурувват йили»да ҳам давом эттириш мақсадида жамғарманинг вилоят бўлими томонидан Пскент туманидаги ўқув-тарбия масканларига ҳам 2,5 миллион сўмлик спорт анжомларини топшириш режалаштирилди. Кунни кеча тумандаги 79-ақли заиф болалар интернатига дастлабки 450 минг сўмлик спорт анжомларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Эндиликда турли тўплар, коптоқлар, кийимлар, турлар ва бокс қўлқопларидан иборат спорт анжомлари ўғил-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

Пскент тумани «Ўзбекистон Мустақиллиги» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 2003 йил 29 ноябрдаги йиғилиши қарорига биноан «Ўзбекистон Мустақиллиги» ширкат хўжалиги 2003 йил 6 декабрдан тугатилганини маълум қилади. Давро аризалари бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси Мирзо Улуғбек тумани Давлат солиқ инспекцияси ходими Тоштемиров Топшўлат Тоштемирович номига 23.02.03 да берилган 17874-сонли гувоҳнома
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Акмал Икромов тумани ҳокимлиги томонидан 1993 йил 1 мартда Глушецкий Владимир Петрович номига берилган 01-01/11927- рақамли, хонадонга эгалик ҳуқуқи ҳақидаги давлат ордери йўқолгани сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ёнгин чиқмаслиги учун носоз газ плиталари ва газ балонларидан, қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланманг, газ асбобларини ёқилишни болаларга топшириш, уларни қаровсиз қолдириш, носоз печлардан фойдаланиш кўнгилсиз ва фожияли оқибатларга олиб келишини ҳеч қачон ёддан чиқарманг.

Юқорида эслатиб ўтилган ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиш, ёнгиннинг олдини олишда асосий омилдир. Фарзандларимиз хавфсизлиги, келажаги учун жавобгар эканлигимизни унутманг. Янги йил арчаси ҳар бир хонадонга фақат қувонч улашсин.

Рамзия СУЛЕЙМАНОВА,
вилоят ИИБ Ёнгин
хавфсизлиги бошқармаси
ички хизмат катта
лейтенанти.

«Ҳасанбой ота нон» очиқ акциядорлик жамияти 2003 йил 20 декабрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарорига асосан «Ҳасанбой ота нон» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилди.

Шу сабабли давро ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
Кузатув кенгаши.

Маълумот учун телефонлар: 26-62-35, 29-65-96.



ФАҚАТ ҚУВОНЧ УЛАШСИН

Арча байрами кўнгилсиз ҳодисаларсиз ўтиши учун унга тайёргарлик кўриш жараёнида ёнгиннинг олдини олиш қоидаларига бекаму кўст амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан байрам ўтказиладиган мактаб, богча ва бошқа муассасалар раҳбарларига берилган ёзма кўрсатмалар ўз вақтида бажарилишига эришиш керак. Шунингдек, арча байрамларини ўтказиш учун тайинланган ташкилий комиссия аъзолари ушбу талабларга риоя этилишини назорат қилиб боришлари лозим.

Янги 2004 йил шодиёналарини кўнгилдагидек, шоду хушроқлик билан кутиб олиш учун куйидаги қоидаларга амал

қилишни маслаҳат берамиз:

— арча биноларнинг 1-қаватидаги кенг хоналарда ўрнатилиши лозим, унда хонанинг камида иккита чиқиш жойи бўлиши ва бу жойлар доим очиқ туриши шарт;

— муассаса раҳбарлари тантана бошланиши олдидан ёриткичлар соғлигини, ўт ўчириш воситалари мавжудлигини ва ишга яроқлилигини текшириб кўришлари зарур;

— арчани корхонада тайёрланган 24 вольт қувватидан юқори бўлмаган электр чиқоклари билан ёритиш мумкин, бунда арча мустаҳкам қилиб ўрнатилган бўлиши керак.

— арчани қоғоз, целлулоид ўйинчоқлар, пахта ва тез ўт олувчи ашёлар билан яратиш, иситиш мосламалари яқинига

ўрнатиш мумкин эмас;

— арчанинг шохлари хона шифтига ва деворларга тегмаслиги керак;

— байрам маросимлари вақтида бенгал шами, турли мушак, айниқса, қўлбола пиротехникалардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади;

— болаларни арча атрофида ва арча ўрнатилган хонада ёлғиз қолдирманг;

— электр тармоғига бирийўла бир неча электр асбоб-ускуналарини улаш тақиқланади;

— эҳтиёт шарт, агар ёнгин аломати сезилса, аввало болаларни хавфсиз жойга чиқариб, тезда «01» рақамига кўнғироқ қилинг;

Биз сизлардан яна шуни илтимос қилардикки, кишининг соғуқ кунларида хонадонингиздан

Янги йилнинг кириб келишига санокли кунлар қолди. Бу байрамни чиройли ясатилган арчасиз, ўйин қулгу ва хурсандчиликсиз тасаввур этиш қийин. Кўпчилик янги йил шодиёналарини мушакбозлик, бенгал шамлари ва турли хил пиротехникалар билан нишонлашни ёқтиради. Ваҳоланки, айнан шу нарсалар ёнгин хавфини келтириб чиқариб, нохушлиққа сабаб бўлиши мумкин. Баъзи ёшлар шу каби оловли ўйинчоқлардан фойдаланиш оқибатида янги йилни ўз уйларида эмас, касалхоналарда кутиб олишга мажбур бўлаяптилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида тарқатилиши ва
соҳифалони.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.